БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 35 (4134).
12 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.
СЕШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико расмий дўстона визит билан Ҳиндистонга бораётиб, 11 февраль куни Тошкентда тўхталиб ўтди.

А. А. Громико Ўзбекистон ССРнинг раҳбар ходимлари билан суҳбатлашди. Ш. Р. Рашидов республика меҳнаткашлари КПСС XXV съезди қарорларини ва беш йилликнинг якунловчи йили планларини бажариш йўлида қандай ишларга эришганликлари тўғрисида, республика умумхалқ байрами — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига кўраётган тайёргарлиги ҳақида гапириб берди.

А. А. Громико ҳозирги ҳалқаро вазиятнинг баъзи бир актуал масалаларига ҳамда КПСС билан Совет давлатининг ташқи сиёсатига доир фаолиятига тўхталиб ўтди.

● Кампучия Бирлашган миллий қутқариш фронти Марказий Комитети ва КХР Халқ революцион кенгашининг Раиси Хенг Самрин бошчилигидаги Кампучия Бирлашган миллий қутқариш фронти ва Халқ революцион кенгаши делегациясининг Совет Иттифоқига қилган расмий дўстлик визити якунларига доир Совет—Кампучия баёноти эълон қилинган.



ВЛКСМ аъзоси Дилбар Раҳимованинг тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаётганига кўп вақт бўлгани йўқ. Қисқа вақт ичида у ўз касбини пухта эгаллаб олишга муваффақ бўлди. Ҳозир унинг қўлидан чиққан буюмлар сифатлилиги билан ажралиб туради.

СУРАТДА: Д. Раҳимова.

И. Шоҳоғомов фотоси.


ТОШКЕНТ — МАМЛАКАТГА

Қардошлар буюртмаси

Тошкентдаги бошқаришнинг автоматик системаси лойиҳа-конструкторлик бюроси мутахассислари Арманистон ССРнинг Ленинакан шаҳридан буюртма олишди. Қардошларимиз илтимосига биноан у ердаги пайпоқ ишлаб чиқариш бирлашмаси учун бошқаришнинг автоматлаштирилган системаси яратилмоқда.

Ана шу янги системанинг Арманистонда тадбиқ этилиши натижасида тайёрланаётган маҳсулот сифати анчагина яхшиланиши, бракнинг кескин камайиши, маҳсулот тайёрлаш ҳажми кўпайиши кўзда тутилмоқда. Бошқаришнинг асосий жараёнлари автоматизация билан қамраб олинади. Масалан, ишлаб чиқаришнинг техника тайёргарлиги, техника-иқтисодий планлаштириш, асосий ишлаб чиқаришни оперативлик билан бошқариш ва маҳсулот сифати бошқаруви ҳозирги замон талаблари даражасига жавоб берадиган техникавий системалар билан таъминланади. Ана шу комплексининг тадбиқ этилиши натижасида ишчининг тўқимачилик машиналари билан мусбатаси такомиллашади, тайёрланаётган ахборотлар оқими анча қўпаяди. Бу янгилининг бир йилда бир ярим миллион сўм иқтисодий самара бериши кўзда тутилмоқда.

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ— ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА



СУРАТДА: Тошкент агрегат заводи 20-цехининг моҳир токарь-фрезерчиси Ҳайдар Равшанқулов. Тажрибали ишчи тайёрланган деталлар аъло сифатлилиги билан ажралиб туради.

Ҳ. Суннатуллаев фотоси.

19 АПРЕЛЬ—КОММУНИСТИК ШАНБАЛИК КУНИ

Олимпиада рамзи билан

Тошкентдаги спорт товарлари фабрикасининг коллективи тайёрлаган буюмларнинг бешдан бир қисми 19 апрель куни Олимпиада—80 рамзи билан чиқарилади. Булар — харидорларга гоят манзур бўлган спорт сумкалари, боксчиларнинг қўлқопларн, футбол тўпларидир. Меҳнат байрамида жами 15 минг сўмлик ҳар хил буюмлар ишлаб чиқаришга қарор қилинди. Бу эса бир кунлик топшириқнинг 120 процентини ташкил этади. Маҳсулотнинг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Фабриканинг бичиқчиси Болтабой Хошимов «19 апрель — меҳнат рекордлари куни» ҳаракатининг ташаббускори бўлди. У меҳнат байрами кунида сменд топшириғини қарийб бир ярим баравар ошириб бажаришга аҳд қилди. Болтабой турдош касбларни эгаллашни ўзининг асосий резерви деб ҳисоблайди. Мастер шу кунгача учта турдош касбни эгаллади. Корхонадаги ҳар бир ишчи энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга қарор қилди. Бу ерда «Қизил шанбалик» штаби тузилди. Бу штаб ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш резервларини аниқламоқда.

(ЎзТАГ).

ИЛҒОРЛАР АҲДИ

Тошкент тўқимачилик комбинатининг донгдор йигирувчиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева ўнинчи беш йилликнинг зарбдор вахтасида туриб меҳнат қилмоқда. Илғор йигирувчи иш вақтидан унумли фойдаланиш, энг муҳими, хизмат қилиш зонасини икки баравар ошириш, яъни 1160 урчуқ ўрнига 2400 урчуққа хизмат қилиш эвазига ҳозирги кунда 1982 йил ҳисобига маҳсулот топширишга киришди.

Буолма Жўраева ўз имкониятларини чамалаб кўриб, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига етти ярим йиллик план топшириғини бажаришга аҳд қилди.

Доҳий юбилейи шарафига бошланган социалистик мусобақада фаол иштирок этаётган донгдор тўқувчи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Лидия Казанцева байрам арафасида беш йиллик планни бажариш ва қўшимча 300 минг метр сифатли газлама тўқиб чиқаришга қарор қилди.

Меҳнат қаҳрамонларининг бу ташаббусини коллектив зўр мамнуният билан кутиб олди. Ленин юбилейи вахтасида туриб меҳнат қилаётган тўқимачилар 22 апрелни якуловчи йилнинг энг зарбдор кунига айлантиришга аҳд қилишди. Шу куни комбинат бўйича планга қўшимча юз минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Ишлаб чиқариш нормаси йигирувчиликда 120 процентга, тўқувчиликда 130 процентга етказилади. Доҳий юбилейи куни тўқимачилар 5 тонна пахта ва 102 минг киловатт-соат электр қувватини тежашади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида

ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИНИ ТЕЖАЙЛИК

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов раислигида бўлиб ўтган шаҳар Совети штабининг навбатдаги йиғилишида Ҳамза районида корхоналар, қурилишлар, шаҳар хўжалиги объектларини электр, иссиқлик, газ ва сув билан пухта таъминлаш, шунингдек ёнилғи-энергетика ресурсларидан тежамли фойдаланиш бўйича олиб борилаётган ишлар мухокама қилинди. Бу ҳақда Ҳамза район ижроия комитети раисининг ўринбосари А. А. Кузнецов ҳисобот берди.

Районда қиш мавсумида корхоналарнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш ва энергия ресурсларини тежаш бўйича белгиланган тадбирлар амалга оширилаяпти. Кўпчилик корхоналар резерв ёнилғи ҳисобига ишлашга ўтказилган. Шунингдек, газ ва иссиқлик энергиясини тежашга аҳамият берилаяпти. Шу билан бирга бу борада район корхоналарида жиддий нуқсонларга ҳам йўл қўйилмоқда. Масалан, «Ташсельмаш» заводида резерв ёнилғи фондидан фойдаланилмаяпти. Ёғмой комбинатида эса табиий газни тежашга имкон берадиган тадбирлар сусткашлик билан амалга оширилаяпти. Комбинатда газ ва иссиқлик энергиясидан рационал фойдаланиш бўйича жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Район уй-жой бошқармасига қарашли турар жойлар қиш мавсумига пухта тайёрланмаганлиги учун уй-жойларда иссиқлик энергияси исроф бўляпти. Авиасозлар шаҳарчасидаги 1, 2, 4, 9-кварталлар, Лисунов ва бошқа кўчалардаги уй-жойлар шулер жумпасидандир. Бундан ташқари, электр энергиясини исроф қилиш ҳоллари ҳам мавжуд.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида ёнилғи-энергетика ресурсларидан қиш мавсумида қандай фойдаланилаётганлиги тўғрисида бирлашма бош директори Р. Г. Ноидинуқсонларга ҳам йўл қўйилмоқда. Масалан, «Ташсельмаш» заводида резерв ёнилғи фондидан фойдаланилмаяпти. Ёғмой комбинатида эса табиий газни тежашга имкон берадиган тадбирлар сусткашлик билан амалга оширилаяпти. Комбинатда газ ва иссиқлик энергиясидан рационал фойдаланиш бўйича жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Район уй-жой бошқармасига қарашли турар жойлар қиш мавсумига пухта тайёрланмаганлиги учун уй-жойларда иссиқлик энергияси исроф бўляпти. Авиасозлар шаҳарчасидаги 1, 2, 4, 9-кварталлар, Лисунов ва бошқа кўчалардаги уй-жойлар шулер жумпасидандир. Бундан ташқари, электр энергиясини исроф қилиш ҳоллари ҳам мавжуд.

«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида ёнилғи-энергетика ресурсларидан қиш мавсумида қандай фойдаланилаётганлиги тўғрисида бирлашма бош директори Р. Г. Ноидинлар ишлаб чиқаришга қарор қилинди. Бу эса бир кунлик топшириқнинг 120 процентини ташкил этади. Маҳсулотнинг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришилади. Фабриканинг бичиқчиси Болтабой Хошимов «19 апрель — меҳнат рекордлари куни» ҳаракатининг ташаббускори бўлди. У меҳнат байрами кунида сменд топшириғини қарийб бир ярим баравар ошириб бажаришга аҳд қилди. Болтабой турдош касбларни эгаллашни ўзининг асосий резерви деб ҳисоблайди. Мастер шу кунгача учта турдош касбни эгаллади. Корхонадаги ҳар бир ишчи энг юқори меҳнат унумдорлигига эришишга қарор қилди. Бу ерда «Қизил шанбалик» штаби тузилди. Бу штаб ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш резервларини аниқламоқда.

(ЎзТАГ).

Вагонлар бир минут ҳам бекор турмасин

ЮКЛАР СТАНЦИЯЛАРДА «ТУНАЯПТИ»

Кеча Тошкент темир йўл станциясида 36 вагон юки билан туриб қолди.

Жумладан, келган юкни ўз вақтида туширишни ташкил этолмаган корхоналар раҳбарларининг айби билан «Қизил тўқимачи» станциясида бир вагон пахта тоғаси (эгаси — тўқимачилик комбинати), «Собир Раҳимов» станциясида бир вагон ғўза (эгаси 1-пардозлаш трестининг ишлаб чиқариш-техника комплектацияси бошқармаси), икки вагон ускуна (эгаси — «Узэнергоснаб»нинг марказий базаси), Сергели станциясида усти берк вагонда бир вагон кислота (эгаси — ҳимреактивлар конторасн).

Шуни таъкидлаш керакки, бу корхоналар вагонлар алмашувига тўғаноқ бўлиб, темир йўл транспортининг иш режимини мунтазам бузишяпти.

Вагонларни бўшатишга «Ташэлектромаш» заводи раҳбарлари (директори В. Береговский), тамаки фабрикаси (директори Ш. Тиллахўжаев), «Узбектрансгаз» бирлашмаси (директори В. Гермашев) гоят масъулиятсизлик билан қарашяпти.

Тошкент-товар станцияси йўлларида электр машиналари тайёрлаш учун мўлжалланган ярим вагон пўлат тўхтаб қолди. «Салор» станциясида тамаки ортган вагон уч кундан бери ўрнидан жилмай турибди. Собир Раҳимов станциясидан қурувчилар газ магистраллари учун мўлжалланган ускуналарни олиб кетишмади. Бу юкларнинг ҳаммаси фақат шаҳар штаби аралашгандан кейингина тушириб олинди.

Шуни таъкидлаш керакки, юклар шанба ва якшанба кунлари туширилмади. Бу тасодиф эмас. Шу пайтгача ҳамма корхоналарда ҳам вагонларни бўшатиш бўйича навбатчи бригадалар ташкил этилмаган.

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар Совети ижроия комитетида

Шаҳар корхоналари ва ташкилотларининг ёрдамчи хўжаликлари ўртасида 1979 йилдаги социалистик мусобақа якуни тўғрисида

Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети шу масала бўйича кабул қилган қарорда таъкидланадики, район партия комитетлари, халқ депутатлари район Советлари ижроия комитетлари, шаҳар корхона ва ташкилотларининг бошланғич партия ташкилотлари ёрдамчи қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича партия ва ҳукумат қарорларини бажариш борасида маълум ташкилотчилик ва сиёсий ишларни амалга оширмоқдалар.

Ёрдамчи хўжаликларни ривожлантириш, қорамолларни, чўчқаларни, паррандаларни кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқариш соҳасида Собир Раҳимов районн ошхоналар трести, тўқимачилик комбинатининг «Текстильшчик» совхози ва бошқа бир қатор корхона ва ташкилотлар айниқса яхши натижаларга эришдилар. Шаҳардаги корхона ва ташкилотлар ўртасида 1979 йилда ёрдамчи хўжаликни ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича шаҳар социалистик мусобақаси натижаларини қараб чиқиб, Тошкент шаҳар партия комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг, кўчма Қизил байроғи Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги ташкилотлари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби — **Собир Раҳимов район ошхоналар трести бўрдоқичилик хўжалиги коллективига** (трест директори Т. Ражабов, партия ташкилотининг секретари А. Миршоҳидов, касаба союз комитети раиси З. Дементьева) берди. Бу коллектив қисқа муддатда ёрдамчи хўжалик ташкил этиб, чўчқалар сонини анча оширишга, 14,5 тонна гўшт реализация қилишга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи шаҳардаги корхона ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари ўртасидаги социалистик мусобақа ғолиби — **тўқимачилик комбинатининг «Текстильшчик» совхози коллективига** (директори А. Иброҳимов, партия ташкилотининг секретари Х. Ғафуров, касаба союз комитети раиси Ш. Сафаров) берилди. Бу коллектив 1979 йилда 1145 центнер гўшт, 1115 минг дона тухум, 1575 центнер сут тайёрлади.

Район партия комитетларига, район ижроия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига шаҳардаги корхона ва ташкилотларда ёрдамчи хўжаликни ривожлантириш, ёрдамчи хўжаликларда қорамоллар ва паррандалар сонини кўпайтириш, чорвачилик маҳсулотларини ва ўсимлик маҳсулотларини кўплаб ишлаб чиқариш бўйича меҳнат коллективлари ўртасида социалистик мусобақани ривожлантириш, илғор коллективлар тажрибасини ўрганиш ва оммалаштириш таклиф этилди.





Қуйбишев районидаги Луначарский номли маданият уйида жойлашган 39-сайлов участкасида совет граждапларининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳақида, совет сайлов системаси ҳақида мунтазам суҳбатлар ўтказилмоқда.

СУРАТДА: район «Билим» жамиятининг лектори Л. С. Богдаткина сайловчилар билан суҳбатлашмоқда.

А. Сидякин фотоси. (ЎзТАГ).

БУЮК ЎЗГАРИШЛАР ДАВРИ

Тошкент шаҳар «Билим» жамияти ташкилоти правлениеси сайловдан-сайловгача ўтган давр ичида мамлакатимизда, республикамизда ва шаҳримизда юз берган буюк ўзгаришлар ҳақида кил этди.

Бу суҳбатларни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига қарашли фалсафа ва ҳуқуқ институтининг бўлим мудири, профессор, юридик фанлари доктори Г. Аҳмедов бошлаб чиқишларини ташкил

Янги ҳаёт тонги

Камбоджа Миллий наижот бирлашган фронти Марказий Комитети Раиси ва Кампучия Халқ революцион кенгаши Раиси Хенг Самрин бошчилигидаги МНБФ ва КХРҚ делегацияларининг Совет Иттифоқига қилган расмий дўстона визити, унинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ва бошқа совет раҳбарлари билан учрашувлари ва музокаралари мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда янги саҳифа очди. Томонлар сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда Совет-Кампучия муносабатларини ҳар томонлама ривожлантириш, Кампучиянинг миллий экономикаси ва маданиятини тиклашга Совет Иттифоқининг бундан кейин ҳам ёрдам бериб туришидан иборат йўлини таъкидлаб ўтдилар.

Жафокаш Кампучия диёрида янги ҳаёт тонги ёришди. Бу қадимий миллат оғир жароҳатларини даволамоқда, янги ҳаёт қурмоқда. Бултур 7 январда эришилган тарихий ғалабдан ва геноцид конли режими емирилгандан кейин ўтган давр Кампучияликлар учун тикланиш даври бўлди. Жаҳолатдан қутилган Кампучия халқи мустақил ва демократик мамлакат бунёд этиш, социалистик жамият асосларини қуриш йўлидан комил ишонч билан олға бормоқда.

Халқнинг Пекин қўғирчоғи Пол Пот ва Иенг Сариға қарши умумхалқ кўзғолонига бошчилик қилган Миллий наижот фронтининг тузилганлиги Кампучиянинг тақдирида бурилиш нуқтаси бўлди. Халқ революцион кенгашининг ташкил этилганлиги ва Халқ Республикасининг эълон қилинганлиги Кампучия тарихида муҳим давр бўлди.

Кампучия Халқ революцион кенгаши раҳбарлиги остида пекинпараст тўда хукмронлигининг оғир оқибатларини тугатиш ва турмушни нормаллаштириш соҳасида жуда катта ишлар муваффақият билан амалга оширилмоқда. Халқ Кампучияси пойтахти Пномпенда яна жўшқин ҳаёт бошланди. Шаҳар аҳолиси ҳозир 200 минг кишидан ошди. Шаҳарда электростанция ва водопровод тикланди. 40 га якин корхона, почта, телеграф, касалхоналар ва медицина ёрдам пунктлари ишлай бошлади. Бутун республика тинч меҳнат қилишга киришди. Қамоқ лагерларидан аста-секин қирилиб кетишга маҳкум этилган юз минглаб кампучияликлар ўз хонадонларига қайтиб кела олдилар. Ҳозирги вақтда 500 минг гектар майдондаги шоли ҳосилини ўриб олиш ишлари тугалланмоқда. Бу Халқ Республикасидаги етиштирилган ҳосилдир. Кампучия болалари яна ўқишни бошлаб юборидилар.

Мамлакат Совет Иттифоқининг, Ветнам ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг қардошларча ёрдами билан ўз қаддини ростлаб олмоқда. Улар Кампучияга юз минглаб тонна озиқ-овқат ва дори-дармон юбормоқдалар. Пойтахт Пномпень билан вилоятлар ҳамда Кампонгсаам денгиз порти ўртасидаги транспорт йўлини тиклашга ёрдам бердилар.

Камбоджа Халқ революцион кенгеши олиб борзётган тинчликсевар ташқи сиёсат чет элларда кенг кўламда қўллаб-қувватланмоқда. Жаҳон тараққийпарвар жамоатчилиги Кампучия халқининг тинчликка, бошқа мамлакатлар халқлари билан биринчи навбатда Жанубий-Шарқий Осиё халқлари билан яхши қўшничилик ва ҳамкорликка бўлган самимий иштиёқини табрикламоқда. Ўттиздан ортиқ мамлакат ва миллий озодлик ҳаракатлари Кампучия Халқ революцион кенгашини Кампучия халқининг бирдан-бир қонуний вакили деб эътироф этдилар ва республика билан дипломатик муносабатларни ўрнатдилар. Франция, Япония, Швеция, Австралия ва бошқа кўпгина давлатларнинг жамоатчилиги халқ Кампучияси билан дипломатия муносабатларини ўрнатишни ўз ҳукуматларидан талаб қилмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси Америка империалистлари ва Пекин гегемончилари бошчилигидаги тескарчи кучларнинг кирдикорларига қарамай жаҳон халқлари янги Кампучияда амалга оширилаётган революцион ўзгаришларни қўллаб-қувватлаётганлигини яна бир марта исбот этади.

Пол Пот — Иенг Сари тўдаси ҳукмронлиги даврида ўзининг 3 миллион гражданидан жудо бўлган еш республика олдида ҳали кўпгина қийинчиликлар бор албатта. Таиланд территориясида ва Кампучиянинг ички районларида ялиниб олган полпотчи тўдаларнинг сарқитлари ёвуз-ёвузлиги билан бош кўтариб чиқмоқдалар. Улар Вашингтон билан Пекин қўллаб-қувватлаган ҳолда Кампучиянинг тинч қурилиш ишлари билан шуғулланишига ҳалақит беришга уринмоқдалар.

Аммо халқ ўз истиқболига ишонч ва умидворлик билан қарамоқда. Халқаро майдонда халқ Кампучиясининг роли ва обрў-эътибори ўсаётганлигининг эътироф этилиши ҳам бу ишончни мустаҳкамламоқда. Москвада СССР билан ҲХР ўртасида олий даражада олиб борилган музокаралар ҳам буни тасдиқлади. Бу музокараларнинг асосий якунлари Совет-Кампучия баёнотида кўрсатиб ўтилди. Томонлар ҳар тарафлама алоқаларни ва ҳалқаро ишларда ҳамкорликни бундан кейин ҳам мустаҳкамлай беради. Совет Иттифоқи Кампучия халқининг мустақиллик ва суверенитет учун, экономикани тиклаш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш учун олиб бораётган курашини кенг қўллаб-қувватлашга тайёр эканлигини билдирди.

И. МАСЛЕННИКОВ.

(ТАСС).

Халқаро мавзуда суҳбат

телетайп лентасидан

● **ХАНОЙ.** Бу ерда суд ва прокуратура органларининг республика конференцияси бўлиб ўтди. Конференция қатнашчилари ўтган йилги иш якунларини чиқардилар, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни муҳокама қилдилар.

ВКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВСР ҳукуматининг Бош министри Фам Ван Донг конференцияда нутқ сўзлаб, Пекин, Вашингтон ва бошқа реакция кучлари Вьетнам революциясини бўғиб қўйишга интилаётган бир шароитда суд органларининг роли ошиб бораётганлигини таъкидлади. У суд ва прокуратура жиноятчиликка қарши курашнинг шнбгина қолмай, шу билан бирга ҳуқуқни кузиш ҳолларининг олдини олиш билан шуғулланиши лозимлигини айтди, конференция қатнашчиларини республикада социалистик қурилиш ишига ўз ҳиссасини қўшишга даъват этди.

● ЛИССАБОН. Португалия ҳукумати нархнавони яна оширганлигини эълон қилди. Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, сут, қанд-шакар, тухум нархи ўрта ҳисобда 15 процент кўпайди.

● **ТРИПОЛИ.** Ливия революциясининг раҳбари Муамар Каддафи бундай деди: капиталистик давлатларнинг ўз иқтисодий аҳволларн ёмонлашганлиги учун айбни нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатлар зиммасига тўнкаш йўлидаги уринишлари асоссиздир.

Нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ғарб давлатларининг нефть қазиб олиш устидан уларнинг назоратига барҳам бериш учун курашмоқдалар. Империалистлик доираларнинг нефть ишлаб чиқарувчи мамлакатлар устидан ўз ҳукмронлигини сақлаш йўлидаги уринишлари барбод бўлмоқда. Ливия, Жазоир, Ироқда шундай бўлди, яқинда Эронда ҳам шундай воқеа рўй берди. Бу мамлакатлар, деб таъкидлади Муамар Каддафи, ўз миллий бойликларининг ўғирланишига қарши нурашмоқдалар.

● ВАШИНГТОН. Президент Картер мамлакатда 19—20 ёшга кирган йигит ва қизлар учун жорий этилган умумий ҳарбий мажбуриятни тиклаш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу қарор АҚШда амалда уруш даврида ҳарбий хизматга чақириш системасига қайтишни билдиради, бу система Вьетнамдаги урушдан кейин бекор қилинган эди. Президент бу йил ҳарбий хизматга чақириладиган ёшдаги 8 миллион йигит ва қизни рўйхатга олиш учун зарур бўлган 20 миллион доллар миқдоридаги маблағ ажратишни конгрессдан сўраш нилтади.

● **ТОКИО.** Япония темирйўлларининг маъмурияти поездларда юриш ҳақини ўрта ҳисобда 5—10 процент оширганлигини эълон қилди. Мантаб ўзгувчи ва студентлар учун билет нархи ҳам қарийб 20 процент ортади. Жамоат транспортининг асосий турида юриш ҳақининг қимматлашганлиги меҳнаткашлар гарданига оғир юк бўлиб тушади, чунки миллион-миллион японлар ҳар куни ана шу транспорт хизматидан фойдаланадилар.

(ТАСС).

Сайлов олди кундалиги

Ишчан агитаторлар

Шу кунларда Фрунзе районидаги 176-ўрта мактаб биносига жойлашган 7-агитпунктда бўлган ҳар бир сайловчининг баҳри-дили очилади.

Кенг ва шинам хона. Деворларда партия ва ҳукуматимиз раҳбарларининг портретлари, сайловга бағишланган агитплакатлар, агитаторларнинг иш жойлари, навбатчилик графиги, «Ташсельмаш», «Таштекстильмаш» заводлари илғор ишчиларининг портретлари жой олган.

Қизил алвонлар тўшалган столлар устида эса совет сайлов системасига оид турли сиёсий адабиётлар ўрин олган.

— Агитколлективимиз, — дейди агитпункт мудири Т. Г. Фешенко, — шу йил 24 февраль куни Ўзбекистон ССР Олий Советига ва маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайлов тантаналарига ҳар жиҳатдан пухта тайёргарлик ишлари олиб бормоқда.

Юрист, педагог ва врачларнинг навбатчи пункти мунтазам ишлаб турибди. Ишчан агитаторларимиз д а н А. Исломов, В. Коврижснко ва А. Левитлар ўз вазифаларига сидқидилдан ёндошиб, бошқаларга ибрат бўлмоқдалар. Айниқса, етакчи агитаторимиз Е. Улевич биринчи марта сайловда овоз бериш бахтига муяссар бўлаётган ўн саккиз ёшлилар билан қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқда. Мактабнинг Е. Хомутов бошчилигидаги болалар хори коллективи қизиқарли программада сайловчиларга бағишланган концерт тайёрламоқда.

Р. ЛУТФУЛЛАЕВ.





Модалар уйининг экспериментал тикув цехи коллективи социалистик мусобақани авж олдириб меҳнат қилмоқда. Ушбу фотолавҳада цехнинг пешқадам мастерларидан бири Александра Мезенцева бош бўлган тикув участкасининг бир группа илғор тикувчиларини кўриб турибсиз. Улар маҳсулот сифатини юқори кўтаришяпти.

И. Шоногомов фотоси.


• В. И. Ленин туғилган кунниг 110 йиллиги шарафига

Илғорлар сафида

Ўнинчи беш йилликнинг сўнгги зарбдор йилнинг юбилей йили топшириқларини шараф билан адо этаётган Тошкентдаги «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 3-босмахонанинг аҳил коллективи ўтган йили қатор ютуқларни қўлга киритган эди. Коллектив 1979 йилги социалистик мусобақа якунларига кўра СССР нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси Давлат Комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда пул мукофотини, шунингдек, «Матбуот» бирлашмаси кўчма Қизил байроғи ва пул мукофотини олишга сазовор бўлганди. Бу йил ҳам корхона полиграфчилари юбилей йили топшириқларини муваффақият билан адо этишга киришдилар. Корхона цехларида В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ мусобақаси қизғин тус олмоқда. Энг зарур буюртмалар зудлик билан бажариляпти. Кўпгина ҳорижий тилларда нашр қилинаётган «Совет Ўзбекистони» журнали юқори сифат билан чоп этилмоқда.

Бу йил босмахона коллективи 20 минг сўмлик пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилган. Босмахонанинг 25 ишчиси шу кунларда ўн биринчи беш йиллик ҳисобига фидокорлик билан меҳнат қилмоқда. Корхонанинг А. Искалиев, Т. Боймуродов, И. Русанов, Л. Соботович каби илғор ишчилари ўз ҳалол меҳнатлари билан кўпларга ўрнак бўляптилар. Буларнинг барчаси ҳозирги пайтда ўн биринчи беш йиллик топшириқларини уддаламоқда. Босмахонада машаққатли меҳнат талаб қилувчи иш жараёнларини механизациялашга катта эътибор бериляпти. Бунинг натижасида ишлаб чиқариш самарадорлиги ортиб, маҳсулот сифати янада яхшиланяпти. Яқинда бу ерда яна бир янгилик—ГДРдан келтирилган «Мулти эффект» полиграфия машинаси ишга тушди. У бир кунда 60 минг босма лист миқдоридаги маҳсулотни ишлаб бера олади. Ишчилардан Анна Орлова, Инобат Юсупова бу машинани бошқаришни пухта ўзлаштириб олдилар.

Суратларда ана шу полиграфия корхонаси меҳнат аҳлининг ҳаётини акс эттирувчи баъзи лавҳалар тасвирланган. Чапда илғор линотипчилардан Умида Сидабекова ва Румия Шокироваларни иш устида кўриб турибсиз. Ўнгда мастер Нафас Орипов, илғор машинистлардан Инобат Юсупова ва Анна Орлова янги техник





Узбекистон ССР Фанлар академияси геология ва геофизика институти коллективи ер пўстлоғи ва юқори мантиясини геофизик ҳамда геохимик жиҳатдан комплекс ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб боряпти. Бу тадқиқотлар фойдали қазилма конларининг шаклланиши ҳамда жойлашиши қонуниятларини аниқлашга, Узбекистон минерал хом ашё базасини кенгайтириш уфқларини илмий-назарий жиҳатдан асослашга ёрдам беради.

СУРАТЛАРДА: (ўнгда) эндоген рудалар формацияси лабораторияси ходимлари (чапдан ўнгга) илмий ходим М. С. Черневская, инженер С. В. Зиньков, лаборатория раҳбари М. М. Мансуров ва илмий ходим Т. С. Тимофеева Узбекистон олтин конларини ўрганяптилар. Чапдаги суратда — чўкма рудогенезлар лабораторияси раҳбари, геология-минералогия фанлари доктори М. З. Зокиров ва унинг ёрдамчиси, геология-минералогия фанлари кандидати М. Мирсандовларни кўриб турибсиз.

И. Глауберзон фотолари.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ПБИП VIII СЪЕЗДИ АРАФАСИДА

ВАРШАВА. Халқ Польшаси қурилишларида ва корхоналарида «Партия съездини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб олайлик» деган шиор остида социалистик мусобақа давом этмоқда.

Фабрика ва заводлардаги, шахталар ва конлардаги минг-минглаб коллективлар ПБИП VIII съезди номли бригада номини олиш учун социалистик мусобақага қўшилдилар. «Юксак сифат мактеви» унвони учун янги мусобақа кенг кулоч ёзди.

ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ ТУЗИЛДИ

Венгрия пойтахтида энг катта мамлакатда маълумотларни оператив тарзда қабул қилиб оладиган ва ишлаб чиқадиган темир йўл ҳисоблаш маркази тузилди. Марказ юксак унумли компьютерлар билан жиҳозланган. Шу туфайли Венгрия темир йўлларида меҳнатни ташкил этиш системаси анча яхшиланди, маълумотларни ишлаб чиқиш тезлиги ошди. Мамлакатда ҳар йили темир йўллар орқали ташиладиган юкнинг ўртача ҳажми 130 миллион тоннага етади.

Планга мувофиқ келгуси беш йилликда ҳисоблаш марказининг қуввати яна оширилади. Бу ерда Польша Халқ Республикасида ишланган янги компьютерларни ўрнатиш мўлжалланмоқда. Натижада ҳисоблаш марказининг иш майдони кенгаяди. Уларни катта-катта станцияларда жойлаштириладиган кўпгина электрон ҳисоблаш машиналарига бирлаштириш имконияти яратилади.

КОН ЯНА ИШГА ТУШИРИЛДИ

ХАНОЙ. 1979 йил февраль ойида Хитой агрессорлари ВСРга қарши бошлаган қарбий авантюра вақтида вайрон этилган «Камдионг» кони карьерларида (Хоанглиеншон вилояти) апатитнинг дастлабки тонналари қазиб чиқарилди.

Кон коллективи ишлаб чиқаришни тамомила янгидан бошлади. Чунки агрессорлар пармалаш машиналарини ва ер қазиш техникасини ишдан чиқарган, темир йўл кўпикларини, сараловчи фабрикасини, электр станциясини портлатган эдилар.

Меҳнаткашлар ва халқ хокимиятининг маҳаллий органлари химия саноатига қимматли хом ашёни яна етказиб бериш учун жуда кўп куч-ғайрат сарфладилар. Асбобускуналарнинг анча қисмини қисқа муддат ичида тиклашга, кон билан темир йўл ўртасида тош йўл қуришга эришилди.

«Камдионг» карьеридан руда мамлакатнинг суперфосфат заводларига юборила бошланди.

СОВЕТ ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНМОҚДАЛАР

УЛАН-БАТОР. Монголия қурилишларида «Совет ишчиларининг тажрибасини ўрганамиз» деган шиор остида шу беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақа авж олди. Совет бинокорларининг илғор тажрибасини, прогрессив иш методларини ўрганиш ва республика бинокорлик ташкилотлари ишида жорий этиш, меҳнат унумдорлигини оширишга, объектларни қуриш муддатларини қисқартиришга кўпрок иқтисодий самара олишга имкон берди. Ҳозирги вақтда мамлакатда биринчи марта совет бинокорларидан Н. Злобин билан А. Басов кўлаган бригада пудрэти методи асосида ишлаётган қурилиш-монтаж ташкилотлари сони 100 тадан ошди.

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАБ

ҚОБУЛ. Қобул радиоси Афғонистон ташқи ишлар министри Шоҳ Муҳаммад Дўстнинг ҳинд журналистлари билан қилган суҳбатини эшиттирди. Муҳаммад Дўст шу суҳбатда, жумладан Афғонистон билан Эрон ўртасидаги муносабатларга тўхталиб ўтган.

Биз бундан кейин ҳам, деб таъкидлади министр, Эрон билан келишмовчиликлар келиб чиққан тақдирда уни бартараф этиш учун ҳар қандай имкониятларни қидириб топамиз ва ҳамма воситалардан фойдаланамиз. Биз аминмизки, Эрон раҳбарлари пировард натижада бизнинг ҳақиқий фикримиз ва мақсадимизни тушуниб оладилар. Фикримиз ва мақсадимиз эса Эрон халқи билан дўстона муносабатлар ўрнатиш ва ҳамкорликни сақлаб қолишдан иборатдир.

Афғонистонга ҳақиқатда қайси мамлакат томонидан таҳдид қилинаяпти, деган саволга жавобан Шоҳ Муҳаммад бундай деди: масалан, америкаликлар Покистонга қурол-ярог бераётганларини, шунингдек Баланган шайкалар ва ҳар хил аксилинқилобий кучларни қўллаб-қувватлаётганликларини биздирмоқдалар. Ҳитой раҳбарлари ҳам худди шундай ишларни қилаётганликларини рўй-рост айтмоқдалар. Афғонистонга қарши қўпорувчилик мақсадларига эришиш учун улар Покистоннинг белужлар ва патанлар яшаётган районларидан фойдаланмоқдалар.

ФОТОКАЛЕЙДОСКОП



ФРАНЦИЯ. Париждаги тог чанғи спорти салонида сакриз ғилдиракли вездеход намойиш этилмоқда. Бу машина ерда, қор устида ва сув юзида ҳаракат қилиши мумкин.



АНГЛИЯ. Лондонда 1905 йилгача ишлаб чиқарилган эски автомобиллярнинг парад намойиши бўлиб ўтди.

СУРАТДА: парад қатнашчилари.

АП—ЮПИ—ТАСС фотоси.

РЕВОЛЮЦИОН ҲУКУМАТ ТАДБИРЛАРИ

МАНАГУА. Никарагуанинг революцион ҳукумати мамлакат аҳолисини, биринчи навбатда ишчилар ва деҳқоиларни озиқ-овқат билан таъминлаш чораларини кўрмоқда. Маълумки, ҳруш ҳаракатлари сабабли қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг камайиши аҳолини асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда анчагина узилишга сабаб бўлди. Чайковчилар бундан фойдаланиб, нархни кўтардилар ва аксилинқилобчи унсурлар халқ орасида ишончсизлик ва хавотирлик тутдириш мақсадида ҳар хил ваҳимали гапларни тарқатдилар.

Ҳукумат бу ерда эълон қилган расмий ахборотида мўлларнинг нархини ўз хоҳиши билан оширган, озиқ-овқатни йўқ қиладётган ёки уни чайковчилик мақсадида яшириб қолаётган, шунингдек ҳар хил нигоғарлик овозалари тарқатаётган шахслар қаттиқ жазоланади, деб огоҳлантирди.

Айни вақтда Никарагуа маъмурлари иқтисодий қийинчиликка ҳамда валюта етишмаётганлигига қарамай асосий озиқ-овқат маҳсулотларини четдан келтиришни кўпайтиришга қарор қилдилар. Бундан ташқари озиқ-овқатнинг тақсимланиши устидан қаттиқ назорат ўрнатилади.

Шу муҳим вазифани бажариш учун миллий таъминот комитети тузилди. Революцияни ҳимоя қилиш саидиночилар комитетлари ва Никарагуадаги бошқа оммавий ташкилотлар бу комитетларга ёрдам берадилар.

А. ВОРОПАЕВ.

ТАХРИРИЯТ ПОЧТАСИ БЮРОСИ

ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Н. НУСРАТОВ: **Менга Ноқоратупроқ зона тўғрисида маълумот берсангиз. У ерда қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

Жавоб: Ноқоратупроқ ўлка территориясида РСФСРнинг 29 область ва автоном республикаси жойланган. Бу ерда 58 миллион киши, яъни Россия Федерацияси аҳолисининг 44 процента истиқомат қилади. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети 1974 йилнинг март ойида РСФСР Ноқоратупроқ зонаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилган. 1990 йилгача 9—10 миллион гектар майдонда мелиорация ишлари бажарилиши, 2,5 миллион гектар майдонда суғориш ишлари яхшиланиши керак. Ўнинчи беш йилликда зонадаги майда хўжаликларда яшовчи 170 минг оила типовой уйларга кўчиб ўтишади. 15 йил ичида ўлкадаги 142 минг қишлоқлар ўрнига 29 минг замонавий йирик посёлкалар қурилади.

Г. ҲАКИМОВ: **Узбекистон кўчасида қандай бинолар қурилаётгани хусусида билмоқчи эдим.**

Жавоб: Анҳор бўйидаги Ю. А. Гагарин богидан бошланадиган Узбекистон кўчасида катта ўзгаришлар содир бўлмоқда. Шу кунларда анҳорнинг ёнида Узбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитетининг ўн тўрт қаватли биноси, «Узгипроселъхоз», Тошкент давлат халқ хўжалиги институтлари, Узбекистон касаба союзлари республика Советининг осмонўпар иншоотлари барпо этилмоқда. Шунингдек, кўчада Киночилар уйи, Ўқитувчилар уйи, метрополитеннинг маъмурий алоқа комплекси учун ҳам бинолар барпо этилаяпти. Якин келажакда бу кўча Самарқанд дарбоза кўчасигача давом этади. Кўчанинг икки томонида 9—12 қаватли турар жойлар, маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари қад кўтаради.

М. РУЗИОХУНОВ: **Ломбард деган ташкилотларда қандай хизмат кўрсатилади?**

Жавоб: Баъзи шаҳарларда, жумладан Тошкент шаҳрининг Глинка кўчасида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мақсадида ломбард ташкил этилган. Ломбардларнинг асосий вазифаси граждапларнинг уй-рўзғор ашёлари ва бошқа нарсаларини гаровга олиб, қарз берилган иборат. Шу билан бирга ломбардлар граждапларнинг буюмларини омонат сақлаш вазифасини ҳам бажарадилар.

Граждаплардан гаровга омонат қабул қилинган ашёнинг белгиланган қиймати сумманинг юздовини тўла сақланиш жавобгарлигини ҳам ломбардлар ўз зиммасига олади. Ломбардлар томонидан бериладиган қарзнинг миқдори ва канча муддатга берилиши ломбарднинг типовой уставига асосан аниқланади.

Н. НУРМУҲАМЕДОВА: **Мен бу йил «Главташкентстрой»га қарашли ўқув комбинатида бульдозерчилик касбини эгалладим. Энди Байкал-Амур магистрали қурилишига бориб ишлаш ниятим бор. Бунинг учун қаерга мурожаат этишим керак?**

Жавоб: Бутуниттифоқ комсомол зарбдор қурилиши — Байкал-Амур магистрали қурилишида иштирок этиш ниятингиз бўлса, ўзингиз яшаётган район комсомол комитетига ёки меҳнат қилаётган жойингиздаги комсомол ташкилотига мурожаат қилишингиз лозим. Улар сизга комсомол йўлланмаси беришади.

З ЮШКЕНТ вечерний Тошкент

12 ФЕВРАЛЬ, 1980 й.

• Аввало инсон бўл

КЕЛАЖАК — ЎТМИШНИНГ МЕВАСИ

„КЕКСАЙГАН чоримда хўрландим. Эҳтимол тошбағирдирмиз. Лекин ҳаралай бир гаплашиб тинган. Яхши жойларда ишлашади. Аммо ҳаммаси ўз боласи билан овора. Ҳолинг нима бўляпти деб хабар олиш эсига келмайди. На пул билан, на яхши сўзи билан кўнглимни кўтаради. Охирги уларни судга бериб нафақа ундирадиган бўлдим. Катта ўғлимни данғиллама ҳовлиси бор. Шунинг бир чеккасида, гарибгина кулбада яшайман. Ўғлим билан келинim ҳам, неварарим ҳам ҳолимдан хабар олишни хоҳламайди. Салом-алигимиз йўқ ҳисоби. Кичкина ўғлим билан қизим эса ойда-йилда бир кўринса кўринади, кўринмаса — йўқ. Бундай фарзандларни теггайдиган жой бормиди-йўқми?».

Бу хатга 67 ёшли Абдуқодир амаки имзо қўйган эди. Кекса отанинг бу сўзларини ўқиган киши ихтиёрга тушмаслиги мумкин эмас. Наҳотки фарзандлар шунчалик тошбағир бўлса? Наҳотки ўз отасидан мол-дунёни афзал кўрришса? Кексайган кишига бир оғиз ширин сўз билан руҳий мадад бериш ўрнига уни кераксиз нарсадек бир чеккага чиқариб қўйишса. Наҳотки мана шу гапларни ҳаммаси рост бўлса?

Абдуқодир аканинг ўзи тасвирлаган кичкина ҳужрасида ўтирибмиз. Чўян печка устида қурум босган чойнак биқирлаб қайнайди. Калта соқолли қария огир-огир нафас олади: астма касали тинкасини қуритиб юборган. кўзлари қизарган, юзи шишган.

— Аҳвол шу, — деди у хириллаб йўталар экан. — Болаларимнинг ҳаммаси оқпадар чиқди. Биттасидан ҳам рози эмасман!

Чолнинг шу алпозда ўтиришини кўрган киши беихтиёр унинг ноқобил болаларини ёмон кўриб қолади. Тўнғич ўғил Абдумутал уйда йўқ экан. Катта инженер бўлиб ишларкан.

Энди биз ўша ноқобил ўғлининг — Абдумуталнинг кабинетида ўтирибмиз. Беихтиёр Абдумуталдан отасига ўхшаш белгиларни қидираман. Ҳа, унинг қошлари дадасиникига ўхшаш қуюқ экан. Абдуқодир амакининг хатини ўзатаман. Ўғил отасининг хатини шошилмасдан ўқийди. Кейин оҳиста бош кўтариб кўрсинади.

— Ёзилган гаплар ўмумаи тўғри.

— Нимаси тўғри?

— Бизларнинг отамизга меҳримиз йўқлиги тўғри. Унга ҳар ойда нафақа тўлаб туришимиз ҳам рост. Лекин мен сизга ҳаммасини тушунтириб беролмайман. Бунинг кераги ҳам йўқ. Яхшиси маҳалла-нўйдан, отамнинг тенгқурларидан суриштириб кўринг. Эҳтимол бизнинг фарзандларга уланди. Гап орасида Абдуқодир аканинг болалари ноқобил чиққанини қистирдим.

— Э, қўйинг шу гапни! — тажанглиги кўриниб турган тарашадек озғин чол бўйинининг томири бўртиб жеркиб берди. — Аввало Абдуқодирнинг ўзи тўғриз қўпадиган одам! Болаларнинг устидан шикоят ёзгандан кўра ўзини эпласи эди. Агар мен шунақа қилсам болаларим отнинг думига боғлаб улоқ қилса ҳам рози эдим.

Аста-секин Абдуқодир амакининг — бугунги кунда мушгипар бўлиб қолган, «оқ падар» болаларидан ҳаммага шикоят қилиб юрадиган ўша бегуноҳ қариянинг ғалати қилиқлари аён бўла бошлади.

Бу одам кўп йиллар бўш шишаларни қабул қилиб оладиган аллақаидай омборда ишлаган. Шишадаги арақ нималарга қодир эканлиги аён. Лекин бу сабил қолгурнинг бўшаган шишаси ҳам анча нарсага қодир бўларкан. Абдуқодир тез орада гуриллаб кетди. Кўча-кўйда керилиб юрадиган, ҳеч кимни менсимайдиган бўлди. Ичадиган одат чиқарди. Оғзига тегиши билан ҳаммаёқни остин-устун қилар, хотини Холидани тутиб олиб дўппосларди. Болалар гўдаклигидаёқ ўз отасидан ҳайиқадиган бўлиб қолишди. Бу ҳайиқиш бораборa нафратга айланди. Абдумутал билан Абдунаби бўй етиб йигитча бўлиб қолгач отасининг қилигидан ғаши келадиган, ўртоқларининг ичида уялиладиган бўлишди. Сингиллари Назира эса туғилишдаёқ юрак ўйноғи бўлиб дунёга келган эди.

Абдуқодир ҳадеганда ғуюлмади. Улфатчилик авжида, пул кўп, атрофида гирдикапалак бўладиган югурдаклар кўп. Болалари волга етганда у машина сотиб олди. Аммо бироита болаларнинг уйида эл қатори катта тантана бўлгани йўқ. Аксинча, уларнинг хонадони ўлик чиққан уйдек маъюс бўлиб қолган эди. Кўни-қўшни, қариндош-уруғлар рўй берган воқеани ётиги билан тушунтиришди. Отаси «ўз тенгини» топибди. Ўша аёлга уйланадиган бўлибди. Абдумутал аввалига бу гапни ҳеч каллаосига сиғдиролмади. Қанақасига, ёши 50 дан ошган одам учта боласининг остида ёмон бир кафрат борлигини ҳис қилар эди. Шунинг учун ўрта мактабни битирибоқ заводга ишга кирди. Биринчи маошидан онасига рўмол, укасига туфли, синглисига портфель олди. Тўғриси, дадасига бирон нарса олишга кўли ҳам, кўнгли ҳам бормади. Ўша кун уйда яна катта тўпалон бўлди.

— Вой гадойвачча ей! — деди дадаси мастликдан кутуриб.— Лули эдикли бўлди, элаги тилакли бўлдими? Ҳали сен пул топадиган бўлдинг-ку мени уялтирадиган бўлдингми.— У хотинининг бошидаги рўмолга чанг солди. Рўмолни олиб парча-парча қилиб ташлаюқчи бўлиб турганида аллақандай бақувват қўллар унинг қўлини қайириб жойига ўтқазиб қўйди. Қараса тепасида ўғли турибди.

— Вой ҳароми! — деди Абдуқодир ўшқириб.— Ҳали сен менга қўл кўтарадиган бўлдингми. Ўз падаринг га-я!

— Мен сизга қўл кўтармайман,— деди Абдумутал лаблари титраб.— Лекин онамга қўл кўтаришингизга ҳам энди йўл қўймайман.

Қизиқ, ўша кундан бошлаб уйларида қандайдир ўзгариш содир бўлди. Абдуқодир ака ҳамон ичар. маст бўлиб машинасини елдириб ҳайдар, аммо хотинига қўл кўтармас эди. Ҳолида ал эса негадир мунғайиб қолди. «Отангни юзига тик қараб яхши иш қилмадинг, у дунё-ю, бу дунёнинг куйиб кетали», деб хўп насиҳат қилди.

Абдумутал ёши етиб ҳарбий хизматга кетгунча укаси ҳам мактабни битирди. Уни ҳам заводга ишга олишди.

...Абдумутал икки йил ҳарбий хизматда юртанида уйдагиларин қаттиқ согиниди. Ўзини айдор ҳис қилмаса ҳам узр сўраб отасига хат ёзди. Армиядан қайтганида эса уларни ташлаб кимга уйланади? Ёш йигитча эмаски шўхлик қилса.

Йўқ, ҳақиқат ҳақиқатлигича қолди. Уч кундан кейин отаси ўша «ўз тенгини»— Малоҳат деган аёлни бошлаб келди. Аёл бийронгина экан. Ҳамасини осонгина тушунтириб берди.

— Ҳар кимнинг эрки ўз қўлида. Ҳулога шукур болалар катта бўлиб қолибди. Мана, энг кичик қизи ҳам 16 га кирибди. Бўлди-да энди, алимент ҳам тўламайди. Ҳар ким ўзининг аравасини ўзи тортаверсин.

Шундай бўлди. «Ҳар ким ўз аравасини ўзи тортишга киришди». Фақат уйжой масаласида яна бир жанжал бўлди. Абдуқодир амаки бу уйларни ўз пулига, ўз меҳнати билан қурганини айтиб оёқ тираб туриб олди.

— Ҳовли катта. Ана, этак томонга ўзларинг уй-пуй қуриб олларинг. Ҳамманг катта бўлиб қолдинг. Кўлингдан иш келади.

Абдумутал энди оиланинг каттаси эди. Кўп ўйлади. Барибир мана шу сатанг жувон билан битта ҳовлида яшай олмайдилар.

— Кетдик, ойи,— деди вазминлик билан.— Жойсиз қолмасмиз.

Вақтинча қариндошларининкида яшаб туришди. Кейин ҳаммалари бир бўлиб уй қура бошладилар.

Бу орада Абдумутал ўқишни битирди, уйланди. Абдунаби билан кетма-кет Назирахон институтга кирди. Фақат Ҳолида ая касалманд бўлиб қолди. Кейин яна бир нохушлик рўй берди. Оталари инфаркт бўлиб касалхонага тушиб қолганини эшитишган. Абдумутал ҳарчанд қаршилик қилмасин ойиси уни кўришга борди. Ўша ердан йиғлаб-йиғлаб келди.

— Даданг роса кўзёши қилди. Болаларим гуноҳимни кечирсин деяпти. Ҳабар олиб турмасак бўлмайди.

Шундай бўлди. Қирқ кун мобайнида Малоҳат эмас Холида ая билан болалари ҳабар олиб туришди ундан.

— Тузалишим билан сенларнинг барингга бораман,— деди ота тўнғич ўғлига. —Одам ҳассасини бир марта йўқотади.

Қирқ биринчи куни отасини олиб келиш куни касалхонага боришди.

— Отангиз чиқиб кетган, — дейишди врачлар.— Кеча кечқурун бир аёл келиб олиб кетди.

Бу — Ҳолида аяга берилган сўнгги зарба эди. Бир ойга қолмай оламдан ўтди. Энди фарзандларнинг кўнглида отасига нисбатан заррача меҳр қолмади. Абдуқодир амаки ёш хотинининг нафсига мослаб кўпроқ еб қўйди шекилли, ишкал чиқиб иши судга тушди... Қизиқ, баъзан одамзоднинг олижаноблиги қанчалик улкан бўлса, сурбетлиги ҳам шунчалик катта бўлади. Кунлардан бирида (қаҳратон қиш эди ўшанда) ярим кечада эшик тақиллаб қолди. Абдумутал чиқса отаси дийдираб турибди.

— Малоҳат уйдан ҳайдади,— деди тиши-тишига тегмай, — Участкани номига ўтказиб берган эдим. «Уй меники, хоҳласам жойингга боравер, менга судланган эр керакмас», деди.

Абдумутал онасининг маъюс қиёфасини эслади. Нима қилишни билмай қолди. Фарзанд экан, барибир воз кечолмади. Ҳовлининг бир чеккасига кичик ҳужра солиб берди. Ўзи-ку хоҳласа хоҳламаса отасини кўриб туради. Лекин укаси Абдунаби билан сингласи Назира унинг номини эшитишса, асабийлашаверади. Абдуқодир амаки болаларини судга бериб ундирибоқ олган нафақаси ҳисобига яшайди. Абдумутал бир қошиқ овқатини ундан аямайди. Лекин, начора, меҳр ҳам қўл олмайди.

— Шунчалик қилганига ҳам раҳмат десин. Бу кишига шикоят қилишни ким кўйибди. Арпа экиб бугдой ўрмоқчи бўптиларми?

Бу сўзларни эшитар эканман, Абдумуталнинг ростўйлик билан айтган гапи ёдимга тушади. «Отамизга меҳримиз йўқлиги тўғри. Фақат мен сизга ҳаммасини тушунтириб беролмайман».

Мана энди тушунмайдиган жойи қолмади. Абдуқодир амаки бугун болаларидан норози бўлиб ўтирибди. Аммо касаллик юзига тепмасдан илгари, анча илгари одамнинг вужудида пайдо бўлганидек бу одам ўзининг бугунги қисматини анча илгари тайёрлаб қўйган. Ўзи тайёрлаган. Бугун эса экkан ҳосилини ўриятти холос...

У. ҲАМИДОВ.

Ақл чироғи

Ҳар қандай ҳақиқатнинг қисмати аввало кулги бўлиб, кейин тан олиш билан якунланган.

А. Швейцер.

Ҳар қандай таълимот уч босқичдан ўтади: аввал уни ақлга сиғмайди, дея эълон қилиб, унга ҳуруж қиладилар, кейин, афтидан оз бўлса-да маълум даражада ҳақиқатга ўхшайди, деб хулоса чиқарадилар. Ниҳоят, унинг ғоят муҳимлигини тан оладилар-у, сўнгра «мен очдим» деб талашадилар.

У. Жеймс.

Нарсаларнинг юзаки кўринишинигина қамраб олувчи кундалик тажриба асосида мулоҳаза юритсак, фан ҳақиқатлари ҳар доим гайритабиий бўлиб кўринади.

К. Маркс.

Инсоният тараққиётида янги давр очган, ўз асрига шон-шуҳрат келтирган буюк фикрлар, кашфиётлар, ихтиролар ва ғояларни қалтабинлик, аҳмоқлик ва ишончсизлик ҳамиша утопия деб атаган.

Э. Жирарден.

Лойиҳа — келажакнинг ҳомаки режаси. Баъзи ҳолларда келажак юзлаб ҳомаки режаларни талаб қилади.

Ж. Ренар.

Илмий ғоялар дунёсида ҳам, худди ҳаётнинг ўзидаги каби, тараққиёт ва ҳақиқат дарров ғалаба қозонавермайди: бунинг учун курашиш, барча кучларни сафарбар этиш, тўхтовсиз мақсадга интилиш ва шижоат кўрсатиш, ўзининг ҳақлигига ва ғалабага қатгиқ ишонч зарурдир.

А. Е. Ферсман.

Фандаги ҳар бир мислсиз муваффақиятнинг манбаи хаёлимизнинг буюк дадиллигидадир.

Д. Дьюи.

Теран хаёл воқеаларни юзага келтиради.

М. Монтень.

Ҳар қандай янгилоб ҳам даставвал фикр тариқасида бир кишининг миясида туғилган.

Р. Эмерсон.

Билим ҳамиша фаразлардан бошланади.

А. Гумболдт.

Кашфиётлар тасодифан рўёбга чиқиши ҳам мумкин, бунда ҳар бир одам бошқа одамни: ёш-кексани, оми-донишмандни ўқитиши мумкин.

У. Гарвей.

Одам тушунишнинг иложи йўқ нарсани ҳам тушуниш мумкинлигига инонмоғи керак, акс ҳолда у бу ҳақда бош қотирмаган бўлур эди.

И. Гёте.

Ҳар нарсада бошқа ҳеч бир киши кўрмаганни кўришга, ҳеч бир киши бош қотирмаган жиҳатни топишга интилмоқ лозим.

Г. Лихтенберг.

• Ҳеч ким ва ҳеч нарса унутилмайди

АЖОЙИБ АЁЛ

Павлов уйи ёнида суратга олинган икки зеленнинг фотографияси Тўрақўрғон район жанговар ва меҳнат шуҳрати музейининг стендларига қўйилди.

Ёш ўлкашунослар — Тўрақўрғондаги Ибрат номли ўрта мактаб ишчилари ўқитувчи, уруш ветерани Ёқуб Гафаровнч Гафаров бошчилигида олиб борган қидиришлар натижасида эна шу сурат музейда пайдо бўлди. Мактаб ўқувчилари Павлов уйини мудофаа қилган жангчилардан бири— Комилжон Турғуновни Тўрақўрғон районидаги Киров номли колхозда учратдилар. Собиқ фронтчи бу ерда пахтачилик бригадасининг бошлиғи бўлиб ишлайди. Қаҳрамонона Сталинград мудофаесининг қатнашчиси камдан-кам рўй берадиган осойишталик соатларидан бирида отишмадан яширинган ва кичик болалари бўлган бир тўда аёлларни қўшни ертўлада учратганини ўқувчиларга гапириб берди. Улар оч ва ниҳоятда қийналган эдилар. Шунда жангчилар ўзларининг арзимаган озиқ-овқат маҳсулотларини улар билан баҳам кўра бошладилар. Қизлардан бирининг Зина деган номи Турғуновнинг эсида сақланиб қолган.

Ёш истоплорлар бу қизни қидира бошладилар. Кўп ўтмай, К. Турғуновлар Волгоградда, Зинаида Петровна Андреева ва унинг онаси билан учрашди. Ана шу учрашув хотираси учун аёллар Павлов уйи ёнида суратга тушиб, уни тўрақўрғонликларга совға қилиб юбордилар.

САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ

САҲНАДА ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Ўзбек Давлат «Ёш гвардия» драма театри репертуари яна бир янги саҳна асари билан бойибди. Бу америкалик драматург Николас Е. Баэрнинг «Можаро» драматик қиссасидир. Америка ёшлари ҳаётидан олинган воқеани ҳикоя қилувчи ана шу асарни Ленинграддаги театр ва рассомчилик институтининг дипломанти, ироқлик Ал-Баходили Доир Кобур ва Островский номли Тошкент театр ва рассомчилик институтининг доценти Арсен Исмоилов саҳналаштирдилар. Т. Турсунов таржима қилган бу спектаклдаги етакчи ролларни Х. Арслонов, Ж. Усмонов ва бошқа артистлар ижро этмоқдалар. Асар томошабинлар томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди.

А. АЛИМОВ.

Хаммахаллар, сизлар учун

АНВОЙИ ГУЛЛАР

Қишнинг қирчиллама шундай кезларида бирор яқин кишингизга анвойи гул тақдим этсангиз қандай яхши! Бу борада манзарали богдорчилик совхозининг гулчилари ҳиммат кўрсатишяпти. Улар етиштирган анвойи гуллар шаҳримиздаги магазинларга пешма-пеш келтирилмоқда.

Хўш, Сизга гул керак бўлиб қолди дейлик. Шундай кезларда Революция хиёбонидаги 1, Ш. Руставели кўчасидаги 2 (телефони — 53-57-32); Қатортол кўчасидаги 3 (телефони — 78-05-90); Правда Востока кўчасидаги 5 (телефони — 56-85-78) ва бошқа магазинларга борсангиз, у ердан ўзингизга маъқул келадиган гулларни харид қиласиз.

Уй — рўзғор ташвишида

Ёғ доғини йўқотиш

Борди-ю, гиламга ёғ тўкилиб доғ бўлди. Бундай пайтда уни бўр ёки талк билан кетказиш мумкин. Бўр устига қоғоз қўйиб дазмол иссиқ ҳолда урилади. Қоғоз ёғ доғини сўриб олиши билан яна тоза қоғоз қўйилади, бу тадбир бир неча марта такрорланса, гиламда ёғ доғидан асар қолмайди.

физкультура ва СПОРТ

Спортчиларимиз сафарда

Минск ва Москва шаҳарларида сув полоси бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган командалар ғолиблик учун баҳсларни бошлашди. Тошкентнинг «Меҳнат» командаси Белоруссия пойтахтида беллашмоқда. Дастлабки учрашувда ҳамшаҳарларимиз кучли коллективлардан бири бўлган Киевнинг «Динамо» командаси ватерполочилари билан куч синашдилар. «Меҳнат» қатор ўйинчиларининг бетоблиги ва Э. Шагаевнинг мамлакат терма командаси сафида иштирок этаётганига қарамасдан учрашувни дуруст ўтказди. Учрашув 7:7 ҳисобида дуранг натижа билан якунланди.

Москва Давлат университети ва Ҳарбий-денгиз флоти марказий Армия клуби ўртасида бўлган учрашув алоҳида ажралиб турди. Университет спортчилари ўтган йили мамлакат чемпиони унвонини қўлга киритишган эди. Армиячилар бронза медали билан тақдирланишганди. Кизғин кураш остида ўтган бу учрашувда ҳарбий денгизчилар 6:2 ҳисобида ғалабага эришдилар.

* * *

Қўл тўпи бўйича мамлакат биринчилигининг олий лигасида қатнашаётган командалар чемпионлик унвони учун курашни бошлашди. Олий лигада биринчи марта қатнашаётган Тошкентнинг «Кристалл» командаси Киевнинг Армия спорт клуби командаси билан беллашди. Тошкентликлар анча дуруст ўйин кўрсатган бўлишларига қарамасдан мағлубиятдан қутула олмадилар. Улар учрашувни 24:27 ҳисобида бой беришди.


* * *

Пермь шаҳрида енгил атлетика бўйича Ўсмирлар ўртасида мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди.

Бу турнирда ўзбекистонлик спортчилар яхши қатнашиб, умумий якунда ўз группаларида учинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Шахсий беллашувларда тошкентлик меҳнатчи Д. Литвиенко яхши қатнашди. У 60 метрга югуришда ва уч ҳатлаб сакрашда иккинчи ўринни эгаллади.

* * *

Италиядаги Фармина шаҳрида камондан отиш бўйича халқаро мусобақалар бўлиб ўтди. Турнирда СССР, Венгрия, ГФР ва Италия спортчилари қатнашдилар. Аёллар ўртасида бўлган мерганлик баҳсларида совет камончилари яхши натижа кўрсатишди. Улар умумий якунда ҳар уч совринли ўринга ҳам мамлакатимиз спортчилари кўтарилишди. Душанбелик З. Рустамова биринчи, тошкентлик О. Рогова иккинчи, Н. Бутузова учинчи ўринни эгаллади.



Республикамизда маҳоратли спортчиларнинг сафи кенгайиб бормоқда. Оловуддин Отахонов бир неча халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, халқаро тонфадаги спорт мастери унвонини олишга муяссар бўлди. У ҳозир республика терма командасининг аъзоси сифатида йилнинг асосий беллашувларига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар.

Р. Альбенов фотоси.

Мавсум тартиби белгиланди

СССР Спорт комитети 1980 йилги мамлакат чемпионати ва мамлакат Кубоги учун ўтказиладиган ўйинларнинг тартибини белгилади.

Ўтган мавсумда бўлганидек бу сафар ҳам 18 команда мамлакат чемпиони унвонини олиш учун икки даврада баҳс юритади. Олий лига командалари мавсумнинг биринчи ўйинини 3 апрелда ўтказадилар. Олий лигада қатнашаётган командаларига 10, биринчи лигада қатнашаётган командаларга 12 учрашувни дуранг натижа билан якунлаганда очко берилади.

Мамлакат Кубоги учун бўладиган баҳслар икки босқичда ўтказилади. Саккиз зонага бўлинган командалар турнирни 27 февраль куни бошлашади. Қуръа ташланганда Тошкентнинг «Пахтакор» командаси саккизинчи зонада Павлодарнинг «Трактор», Ставрополнинг «Динамо», Фрунзенинг «Олға» ва Жиззахнинг «Бўстон» командалари билан ғолиблик учун курашиши маълум бўлди. Бу беллашувлар Фарғонада бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, бошқа зоналарда икки команда Кубок учун баҳсни давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритади. Саккизинчи зонада эса фақат бир команда ана шундай ҳуқуққа эга бўлади. Бунинг сабаби Москванинг «Динамо» командаси УЕФА Кубоги учун бўладиган баҳсларни давом эттираётганлигидадир. Бу команда мамлакат Кубоги учун бўладиган баҳсларни келгуси босқичдан бошлайди.

НАВБАТ БУТУНИТТИФОҚ БИРИНЧИЛИГИГА

Тошкент трактор заводининг спорт залида тўрт кун мобайнида самбочилар мусобақалашди. Ўсмирлар биринчилигида республиканинг турли шаҳар ва қишлоқларидан 150 дан ортиқ спортчи иштирок этди. Беллашувлар жуда қизғин ўтди. Ҳар бир вазн категориясида ғолиблик ўрнига деярлик 15 тадан спортчи даъвогарлик қилди.

«Динамо» спорт жамиятининг самбочилари ҳаммадан кўп олтин медалга сазовор бўлдилар. Улар умумий ҳисобда биринчи ўринни эгаллашди. Тошкентлик самбочилардан О. Валиев (62 килограмм), Н. Қурбонов (74 килограмм) ва андижонлик Б. Расулов (68 килограмм) шундай мукофотларни қўлга киритдилар. «Буревестник» ва «Пахтакор» жамиятларининг спортчилари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни олдилар.

Турнир якунига кўра, февраль ойининг охирида Бутуниттифоқ биринчилигида иштирок этиш учун курашчилар танланди.

ИНСОН ВА ТАБИАТ

МАХСУС ҚЎРИҚХОНАЛАР

Туркистон тоғ тизмаларининг ён бағирларини қалин қор босган. Даралар ва довонлардан ўтиб бўлмайди. Ҳозирги пайтда сангизор бошларида 10,5 минг гектар ерни эгаллаган зомин қўриқхонасининг ўрмонларида яшайдиган ёввойи ҳайвонлар ва паррандаларнинг хўрак топиши қийин. Шундай бўлгач, егерлар, ўрмон хўжаликларининг ходимлари, табиатни қўриқлаш жамиятининг активлари ҳайвон ва паррандаларга ёрдам бергали ошиқдилар. Улар ғамланган хўрак ва хашакни ўрмонларга олиб бордилар. Қоялар, тўнкалар ва устунларда юзлаб хўрак майдонлари ўрнатилди, кордан ихоталанган хўракхоналар барпо этилди. Арнасой кўлларида муз устидаги қор қуралиб, бу ерда қишлайдиган ўрдаклар ва бошқа сув қушлари учун ҳар хил хўрак ташлаб қўйилди. Сурхондарё областида Амударё тўқайзорларида қирғовул галалари омихта хўрак чўқишга йиғилмоқда, бу ёққа тўнғич қийиқлар ҳам келмоқда.

Қўриқхонанинг бошқа қўриқхоналарида ҳам ҳайвонлар ва паррандаларга қишки хўракхоналар барпо этилди. Арнасой кўлларида муз устидаги қор қуралиб, бу ерда қишлайдиган ўрдаклар ва бошқа сув қушлари учун ҳар хил хўрак ташлаб қўйилди. Сурхондарё областида Амударё тўқайзорларида қирғовул галалари омихта хўрак чўқишга йиғилмоқда, бу ёққа тўнғич қийиқлар ҳам келмоқда.

ОЛИМЛАР ИЗЛАНИШИ

Янги цех қурилмоқда

Кўл лойи —сапропел бузоқ ва чўчқа болалари рационига қўшиб берилганида сарфланган 1 сўм 25 сўм самара келтиради. Гродно қишлоқ хўжалик институтининг олимлари ҳайвон организмининг ўсишига кўл лойи таъсирини ўрганиб чиқдилар.

Улар «Неманское» ўқув хўжалиги билан қўшни «Путь к коммунизму» колхозининг фермаларида мана шу тадқиқотларни ўтказдилар. Кўл лойида бир қанча хил витаминлар, кўпдан кўп микроэлементлар бор экан. Бузоқ рационига 20 —30 грамм сапропел қўшиб берилганида унинг бир суткада ўсиши ўрта ҳисобда 21 процент кўпайди. Ҳозир олимлар кўл лойининг қора мол, товуқ, ўрдак, курка ўсишига таъсирини ўрганмоқдалар. Ҳамма ҳайвонлар гўлаклари сапропелини яхши ейди. Гродно областидаги Свитязь посёлкасида бу қимматли емни тайёрловчи цех қурилмоқда.

10 мингтадан кўп кўли бўлган Белоруссия сапропел запаслари битмас-туганмасдир. Яқин фурсатда молларга бериладиган сапропел гўлакларини тайёрловчи иккита катта завод қуриш мўлжалланмоқда.

К. ТИЧИНА. (ТАСС).

СУД ЗАЛИДАН

ЮЛҒИЧ ШОФЁР

Ражаб Шарафиев такси машинаси рулига ўтирди-ю, босар-тусарини билмай қолди. Дилида содда мижозлардан кўпроқ юлиб қолсам деган илиж типирчилай бошлади. У Тошкент кўчалари бўйлаб борар экан, содда йўловчиларни ахтарарди. «Бундайлардан қанча юлиб қолсанг ҳам «миқ» этмайди. Шундайлар қани кўп бўлса эди» деб ўйларди у. Бу қабих фикрни рулда ўтириб ўйлаб бораётган Ражаб Шарафиев Фарҳод бозори рўпарасида машинани «гийк» этиб тўхтатди.

— «Ўтира қолсин, содда мижозларданга ўхшайди»,— дея дилидан ўтказди йўловчи Х. Жўраев машинага ўтираётганда.

— Тил ва адабиёти институти олдига олиб боринг қўйсангиз...

Р. Шарафиев машинани елдириб кетди. У аммо йўлма-йўл яна содда мижозлардан қидирарди. Машина «Киевлянка» кафеси ёнига келганда икки киши — Муҳаммадалиев ва Саушкиналар қўл кўтаришди...

— Мана бир зумда келдингиз, — деди шофёр Ражаб Шарафиев йўловчи Х. Жўраевга, — муғомбирона тиржайиб.

Йўловчи шофёрга майда пули бўлмаганлиги учун 5 сўм узатди. Бироқ шофёр такси счётчиги кўрсатгандан ошиқ олиб, мижоздан 1 сўм 46 тийинни юлиб қолди ва яна машина педалини босди...

— Марҳамат,— деди у яна муғомбирона тиржайиб, — мана «Шофориз» бекати... Бир зумда муҳайё қиламиз-да...

Муҳаммадалиев чўнтагидан уч сўм пул олиб узатди. Юлғичнинг эса нафси яна ҳаққалаб кетди. Улардан 1 сўм 24 тийинни юлиб қолди. Шундай қилиб, ярим соат мобайнида юлғич шофёр 2 сўм 70 тийинни ўғри чўнтагига урди.

Лекин «Қинғир ишнинг қийиғи бир кунмас кунида чиқади»,— деганлари рост экан. Мижозлар юлғич шофёр Р. Шарафиев ўйлаганчалик содда эмас эканлар. Улар гарчи индамай кетишса-да, лекин юлғич шофёрнинг қинғир ишини тегишли жойга етказиб қўйишни лозим топишди...

Улар бундай иш қилиб жуда тўғри қилишган. Тафтиш ишлари юлғич шофёрнинг жиноят содир қилганлигини тасдиқлади.

Мана, 5-таксомотор паркининг шофёри, 1951 йилда Тошкент шаҳрида туғилган Ражаб Шарафиев суд қора курсисида ўтирибди. Суд ҳайъати юлғич шофёрни уч йилга шартли равишда озодликдан маҳрум қилди.

А. МИРЗУФАРОВ,
Акмал Икромов район халқ суди раиси.

А. ҲАСАНОВ,
юрист.

13 февраль куни соат 17.00 да Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг Сиёсий маориф уйида ўзбек тилида халқаро мавзуларда лекция ўқувчи лекторлар тайёрлаш курсларининг навбатдаги машғулоти бўлади.

БИЛДИРИШ

Тарих фанлари доктори Т. Г. Ғиёсов «Совет Иттифоқи ва Осиё мамлакатлари» мавзуида лекция ўқийди. Тарих фанлари кандидати С. И. Тансиқбоева Покистоннинг ички сиёсий аҳволи ва ташқи сиёсати ҳақида ҳикоя қилиб беради.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ

* РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА * РЕКЛАМА *

ТЕЛЕВИЗОР ЭКРАНИДА

12 ФЕВРАЛЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

17.25 «Шленск» Давлат халқ ашула ва рақс ансамблининг концерти. (Польша Халқ Республикаси). 18.15 «Орлёнок» телестудияси ёш мухбирларининг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Совет Иттифоқи Маршали В. И. Чуйков билан учрашуви. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Фан оламида». 19.55 В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига. «Ленин Польшада». Бадиий фильм. «Мосфильм» ва «Студио» (Польша). 1965 й. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 «Дўстларимиз чеҳраси». Кўрсатувни ёзувчи А. Алексин олиб боради. 23.00 «Дунё воқеалари». 23.15 — 24.00 Р. Штраус. «Дон-Кихот» симфоник поэмаси. СССР Давлат академик симфоник оркестри ижро этади.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари.

I

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Сўз кетидан сўз келар». Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилида сўзлашишга ўргатиш. 18.45 Ўсмирлар учун. «Нурафшон давра». (рус.). 19.10 «Миллионлар ленинча университети». «Ленин ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат интизомининг аҳамияти ҳақида». 19.30 «Ахборот» информацион программаси. (рус.). 19.45 М. Қориёқубов номли Ўзбек Давлат филармонияси хор капелласининг концерти. 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Баёт» ашула ва рақс ансамблининг концерти. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.15 «Чорвачилик зарбдор фронт». Кўзлатиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрайлик. 22.30 «Сатурн»нинг тугат: чиши». Бадиий фильм. 24.00 Урсатувлар программаси.

II

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 Эстетика асослари. «Санъат турлари. Театр» (рус.). 21.05 Абитуриентлар учун. Физика. 22.05 «Совет давлати ва ҳуқуқи асослари». «Оила ҳуқуқи» (рус.). 22.35 Телевизион театр. Д. Пеев. «Еттинчи қадах». 1-қисм.

13 ФЕВРАЛЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время» информацион программаси. 9.50 Эрталабки гимнастика машғулотлари. 10.15 «Ленин Польшада». Бадиий фильм. 11.50 Омск шаҳар моторозлик бирлашмаси Маданият саройи халқ чолғу оркестрининг концерти. Концерт тугагач —(12.25) Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Будапешт». Ҳужжатли фильм. Немис-фашист босқинчиларидан озод қилинганлигининг 35 йиллигига. 15.50 «Шахмат мактаби». Бошловчилар учун. 16.20 «Сенинг ленинча кутубхонанинг». «Давлат ва революция». 16.50 «Горнчилар, қаердасиз!».

17.20 В. Моцарт. 20-симфония. Польша камер оркестри ижро этади. Дирижёр — Е. Максимюк. 18.00 «Ешлар адреслари». 19.15 «Дуиё воқеалари». 19.30 «Мати Пальм куйлайди». Фильм-концерт премьераси (Таллин). 20.05 «Алкоголизм». Врач суҳбатлари. Кўрсатувни Ю. В. Белянчикова олиб боради. 20.35 «Жонсарак ёки Иш устасидан қўрқади». Телевизион спектакль премьераси. Автор —А. Писарев. 21.30 «Время» информацион программаси. 22.15 — 23.15 XIII қишки Олимпия ўйинларида. Хоккей. СССР — Япония терма командалари. Танаффус пайтида «Дунё воқеалари». Информацион кўрсатув.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I.

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Электромагнитик нурланиш шкаласи». Физикадан ўқув кўрсатуви. 12.00 Сузиш бўйича қишки Ўзбекистон чемпионати. Митрофанов номли Сув спорт саройидан репортаж (ёзиб олинган). 12.30 «Электромагнитик нурланиш шкаласи» Физикадан ўқув кўрсатуви (рус.). 13.00 «Сатурн пайидан». Бадиий фильм.

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 «Буни ҳовли тўйи деса бўлади». Мультфильм. 18.25 В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан. Мактаб ўқувчилари учун. «Ленин қадамжолари бўйлаб». 18.45 «Зангори экран». почтаси. 19.15 «Мўл ҳосилга пухта замин». 19.30 «Ахборот» информацион программаси (рус.). 19.45 «Балетнинг яратилиши». СССР халқ артисти Б. Қорнеева иштирокида бир саҳнали балетлар (рус.). 20.20 «Хива гиламлари». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот» информацион программаси. 20.50 «Бахт тароналари». Концерт. 21.30 Москва. «Время» информацион программаси. 22.15 «Галабадан сўнгги жанг». Бадиий фильм. 1-серия. 23.35 «Бугун оламда нима гап?». 23.45 Кўрсатувлар программаси.

II.

20.00 Кўрсатувлар программаси. 20.05 Янгиликлар. 20.25 «Сайловдан-сайловгача». 20.55 Сиртдан ўқиётган студентлар учун Физика. 21.55 Телевизион театр. Д. Пеев. «Еттинчи қадах». 2-қисм.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

„САВОЙЯ"НИНГ ЎҒИРЛАНИШИ

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ

ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

ЧИҚАРАДИ



Сценарий муаллифлари— Исай КУЗНЕЦОВ, А. ГОЖЕВСКИЙ.

Постановкачи-режиссёр — Веннамин ДОРМАН.

... Рио-де Жанейрога учиши керак бўлган самолёт нима сабабдандир Жанубий Америка шаҳарлардан бирига келиб қўнади, сафар қолдирилади. Поляк дипломатининг ўғли Янек Боровский отаси хизмат қилаётган Бразилияга кетаётган эди. Йигитчага ҳамроҳ бўлиб отасининг дўсти, француз коммерсанти Жан Шалло ҳам бор эди. Жан Шалло «Савойя» самолётига билет топади. Ҳамма ёқ осуда, одамлар хотиржам, аллақачонлар тугаган даҳшатли урушнинг мудҳиш кўланкалари ҳали ҳам у ер, бу ерда пайдо бўлишини ҳеч ким ҳаёлига келтирмаса керак. Лекин, ҳар ҳолда шундай бўлди. Бразилия чангалзорларида собиқ СС штурмбанфюрери Эрвин Хастке билан ҳозирда тинч савдо ишлари билан шуғулланиб юрган Қаршилик ташкилотининг собиқ жангчиси Жан Шалло учрашиб қоладилар...

РОЛЛАРДА: Влодзимеж ГОЛАЧИНЬСКИЙ, ЛЕОНИД БРОНЕВОЙ, Антони ЮРАШ, Александр МИХАЙЛОВ, Ольга ОСТРОУМОВА, Михаил ГЛУЗСКИЙ, Альгимантас МАСЮЛИС, Лучезар СТОЯНОВ, Игорь ВАСИЛЬЕВ, Леонид МАРКОВ қатнашадилар.



М. ГОРЬКИЙ НОМЛИ БОЛАЛАР ВА ЎСМИРЛАР ФИЛЬМЛАРИ МАРКАЗИЙ СТУДИЯСИ

МАКУЛАТУРА ТОПШИРГАН ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИДА АБОНЕМЕНТЛАРГА ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАР БЕРИЛАДИ

14 февраль—2 март кунлари. И. ЕФРЕМОВ. «ТАИС АФИНСКАЯ» (бир томда). 100 та абонемент.

6—16 март кунлари. Э. ПО. «РАССАЗЫ! (бир томда). 100 та абонемент.

20—30 март кунлари. Т. СУХОТИНА-ТОЛСТАЯ. «ВОСПОМИНАНИЯ» (бир томда). 100 та абонемент.

3—6 апрель кунлари. В. ГИЛЯРОВСКИЙ. «МОСКВА И МОСКВИЧИ». 100 та абонемент.

Қабул пунктлари-магазинлари сешанба, чоршанба, пайшанба, жума, шанба ва якшанба кунлари ишлайди. Дам олиш куни душанба.

Абонементлар пайшанба, жума, шанба ва якшанба кунлари берилади. Қолган кунлари талонларнинг тўла набор комплектларига қўшимча макулатура қабул қилинади. Шунингдек, чекланмаган миқдорда 52-01 прейскурантга мувофиқ макулатуралар қабул қилинади.

Қабул пунктлари соат 10.00 дан 18.00 гача (танаффус 13.00 дан 14.00 гача) ишлайди.

МАКУЛАТУРА ҚАБУЛ ҚИЛАДИГАН ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИ-МАГАЗИНЛАРИНИНГ АДРЕСЛАРИ:

3—Қўйлиқ бозори (7, 52, 68-автобусларнинг «Қўйлиқ бозори» бекати).

7—Юнусобод массиви, Б—1 (8, 60, 72-автобуслар, 25, 28, 29-трамвайларнинг «Колхоз бозори» бекати).

9—3. Саид кўчаси (8-трамвай, 34, 64, 83-автобусларнинг «Гулзор» бекати).

10—1/3-Қорақамиш массиви (40, 56, 59-автобуслар, 27-трамвайнинг сўнгги бекати).

11—2/4-Қорақамиш массиви (38, 56, 59, 65-автобусларнинг сўнгги бекати).

12—Физкультурная кўчаси (Тўқимачилик комбинати қаршисида).

13—Чилонзор массиви, 24-квартал, 53-уй, 82-квартира.

14—Чилонзор массиви, 18-квартал, 10«а»-уй, 1-квартира.

16—Чилонзор массиви, 12-квартал, 23-уй, 39-квартира (2, 33, 41, 54, 75, 79-автобуслар, 4, 9, 19-трамвайларнинг «Фарҳод бозори» бекати).

17—Чилонзор массиви, 24-квартал, 15-уй, 24-квартира. (4, 9, 19-трамвайларнинг «Москва» кафеси» бекати).

18—Спутник массиви, Ц-3, 5-уй.

19—Ж. Обидова кўчаси (19-автобус, 2, 16-трамвайларнинг «Бодомзор» бекати).

20—Олой бозори.

24—Мирсолиҳоҳ кўчаси, 19-уй.

26—М. Горький проспекти (17, 71-автобуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Трамвай-троллейбус депоси» бекати).

28—Первомайск бозори.

29—Строительная кўчаси, 38-уй.

31—2-Қўйлиқ массиви, Савдо маркази.

32—Луначарский шоссеси, 301-уй.

15—Чилонзор массиви, 1-квартал, 1-уй (3, 33, 54, 70-автобуслар, 9, 11-трамвайлар, 6, 7, 9, 11-троллейбусларнинг «Мукимий кўчаси» бекати).

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

МАКУЛАТУРАЛАРНИ АКТИВЛИК БИЛАН ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА ТОПШИРИШ КИТОБ САВДОСИ ТАРМОҚЛАРИНИНГ АДАБИЁТЛАРНИ ТЕЗЛИК БИЛАН ОЛИШЛАРИГА ИМКОН ЯРАТАДИ.

«Вторсирьё» Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш-тайёрлаш корхонаси.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА— 12/II да Тоҳир ва Зуҳра, 13/II да Оққуш кўли.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/II да Олтин девор, 13/II да Қалбн олов.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/II да Шаҳзода ва етим қиз.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/II да Беш кунлик куёв.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — ЯНГИ ПРОГРАММА. «УРГАТИЛГАН БУҒМА ИЛОН ВА ТИМ. СОҲЛАР» АТТРАКЦИОНИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.

КИНО

12 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ДИҚҚАТ, БЕКАТ!» — Қозоғистон.

«ВИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗ» — Восток.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«САВОЙЯ»НИНГ ЎҒИРЛАНИШИ» — Қозоғистон (жавоб берувчи автомат: 35-24-92), Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (тоқ соатларда, телефон: 53-65-87), ВЛКСМ 30 йиллиги номли (жуфт соатларда, жавоб берувчи автомат: 33-44-52), Москва (17, 19, 20.40, жавоб берувчи автомат: 33-05-01). Дружба (19, 21.00, телефон: 66-15-75), Тошкент Советнинг 50 йиллиги номли (жуфт соатларда, телефон: 78-85-20), Нукус (тоқ соатларда, жавоб берувчи автомат: 46-70-69).

ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БОШҚАРМАСИ

пассажирларни билет билан таъминлашни текшириш бўйича контролерлар ва аҳолига трамвай, троллейбус абонементларини ва карточкаларини сотадиган кассирлар вазифаларига пенсионерлар, студентлар ва шаҳримиздаги бошқа гражданларни

доимий, вақтинча ва қисқартирилган иш куни билан ишлаш учун:

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Меҳнат ҳақи — вақтбай-мукофотли.

Иш тартиби Сизнинг имкониятларингиз билан боғлиқ ҳолда тузилади.

Мурожаат учун адрес: Полторацкий кўчаси, 12-уй. Трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси. Телефонлар:33-81-41, 33-52-02 (темир йўл вокзалидан 1, 2, 5-трамвайлар, 1, 5, 8, 9, 15, 17-троллейбуслар билан борилади).

«СОЮЗЛИФТМОНТАЖ» ТРЕСТИ ОЛМАОТА МОНТАЖ БОШҚАРМАСИНИНГ УРТА ОСИЁ МОНТАЖ УЧАСТКАСИ

18 ёшли йигитлар ва Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни лифт монтажчилари касбига ўқитиш учун

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 2 ярим йил, сўнгра Тошкент шаҳрида 2 ярим ой практика ўтказилади.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛАНГАНДАН СЎНГ БОШЛАНАДИ.

Ҳар ойда 76 сўмдан стипендия берилади.

Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш жойига бориш ва келиш корхона ҳисобидан бўлади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри 97, Чилонзор массиви, 6-квартал, «Союзлифтмонтаж». Телефонлар: 78-30-79, 78-30-68.

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакцияси коллективи редакция ходими В. С. Стулинга отаси

Семён Васильевич СТУЛИНнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Меҳнаткашлар депутатлари Сергели район Советининг ижроия комитети Соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда санэпидстанциянинг медицина ходимлари коллективи район Бош Давлат санитария врачи Э. Н. Каримова онаси

Қумри КАРИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ», («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан мактаб ва олий ўқув юртлари—32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот— 33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-58-85; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбат чилари— 33-90-50.

12 ФЕВРАЛЬ, 1980 й. Р. 06072. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр Б— 2053.